

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя

қила олайлик

ИССИҚХОНА ЎЗ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Бозор талаби қатъий. Қунига қатор муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Бунинг учун раҳбар мутахассисларда етарли билим, тажриба бўлиши керак. Инсон ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ масалаларга ўта масъулият ва қонуний тарзда ёндошилмас адолатсизлик юзага келади. Мансаб суиистеъмоллиги эса кимларнингдир оворая-сарсонгарчилигига сабаб бўлади. Ўз жойида бемалол ҳал қилиниши мумкин бўлган масалага четдан кимларнингдир аралашуви жамоадаги соғлом муҳитга, ишчи-хизматчилар кайфиятига салбий таъсир ўтказиши.

Абдуҳамид Абдужалилов бир неча йил аввал Паркент туманидаги «Чангли» ширкат ҳўжалиги бошқаруви билан оилавий пудрат асосида шартнома тузиб, иссиқхона, 0,50 гектарлик кўчат етиштиришга мослаштирилган очик ер майдонига 10 йил эгалик қилиш ҳақида ёзма равишда келишиб олди. Орадан кўп вақт ўтмай далалатнома тузилиб, яхши ният билан ишга киришди.

Ижарачи икки йил мобайнида бор имкониятини ишга солиб, яхшигина маблағ сарфлаб, ишончини оқлади. Майдонлар самардорлигини ошириб борди. Қўтилмаганда 2003 йилнинг февралда ширкат ҳўжалиги аъзоларининг эмас, ҳўжалик аъзолари вакиллари-

нинг йиғилишида иссиқхонани сотиш масаласи кўндаланг қўйилди. Ушбу йиғилиш қарори асосида ҳўжалик бошқарувининг буйруғи чиқарилиб, иссиқхонани сотишга қарор қилинди.

Бошқарув раиси А.Алматов Ўзбекистон Республикаси Фўқаролик Кодекси моддалари билан яхши таниш бўлганида қўнубузарилик юзага келмасди. Маълумки, ушбу қонунда шартномани бекор қилиш, унга қўшимчалар, ўзгартиришлар киритиш томонларнинг ўзаро келишуви, розилиги асосида амалга оширилиши таъкидланган. Агар томонлардан бирининг розилиги олинмас, масала суд орқали ҳал этилади.

Табиийки, ижарачи А.Абдужалилов ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб Тошкент вилояти Адлия бошқармасига мурожаат этди. Унинг аризонаси юзасидан олиб борилган кузатувлар жараёнида яна бир ноқонуний ҳолат аниқланди. Яъни Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларидан хабардор бўлишларига қарамай ҳўжалик томонидан А.Абдужалиловга 2002 йил май ойида етиштириб берган олма ҳамда нок кўчатлари учун иш ҳақи тўланмай келинган. Ушбу ҳолат юзасидан амалдаги қонунлар асосида ҳўжалик бошқаруви раиси номига тақдимнома киритилди. Пировард натижада иссиқхонани со-

тиш ҳақидаги қарор бекор қилинди. Бошқа масалалар ҳам ўз ечимини топди. Қонун барчага баробар. Унга амал қилмаган қоқилади, меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқининг чекланишига сабабчи бўлади. Юқоридаги воқеа кимлар учундир яхши сабабдир.

А.АЛМАТОВ,
Тошкент вилояти Адлия бошқармасининг етакчи мутахассиси



«Оққўрғон» масъулияти чекланган жамиятда сўнгги йилларда чет эл технологиясини жорий этиш бўйича ибратли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Италиядан тоmat ишлаб чиқарадиган линия олиб келинди.



Ажойиб усқуналар Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллиги байрами арафасида ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Халқ ҳўнармандчилиги


МЎЪЖИЗА ЯРАТГАН ҚЎЛЛАР

Ота касбига қўл уриб, ундан барака топаётган кишилар жуда кўп. Бешик, сандик, бежирим қўтичалар унинг ижодкоридан нозик дид, ўзига хос салоҳият, кўнгил билан ишлашни тақозо этади. Бўка бозорда бўлганимизда юқоридаги оила учун ниҳоятда зарур бўлган рўзгор анжомларини сотиб олаётган ёшларга кўзимиз тушади. Харидорлар орасида республикамизнинг турли бурчақларидан келган кишилар ҳам бор лигидан беихтиёр қувониб кетаман.

Мустақиллик йилларида очилган кичик цехлар, устaxonаларда эндиликда кўндаланг қўп ёшлар меҳнат қилишмоқда. Улар томонидан тайёрланаётган турли хил анжомлар ўзининг ажойиб безаклари, бўёқ-

лари билан ажралиб туради. Биз ҳам яхши ният билан ўз хонадонимизда устaxonа очдик. Умрдошим ҳамда қизларим билан ҳамжиҳат ишлаймиз. Шогирдларим Самижон, Алижон, Валижон Матқосимовлар, шўнингдек, Абдумалик Абдуҳамидов, Алишер Қўчқоров ва бошқалар уста деган номни олиб, хайрли ишларга қўл уришяпти. Хўнарли хор бўлмас, деганлари рост экан. Касб-корим тўғрисида уйли-жойли бўлдим, тўйлар қилдим. Энди чекка қишлоқларда ҳам устaxonа очиб, у ердаги ёшларга ҳам касб сирларини ўргатмоқчиман.

С.МАХМУДОВ,
Бўка шаҳридаги сандикчилик устaxonаси раҳбари



И.ХАСАНОВ
олган суратлар

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Белдирсой» меҳмонхонасида Ўзбекистон Очик жамият институтини - Сорос жамғармасининг Пекас лойиҳаси «Step-by-step» («Қадам - бақадам») дастурининг ўқув машғулоти ўтказилди.

ФАРЗАНДЛАР ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

Боллага етарли шароит яратиш учун аввало тарбиячи малакали бўлмоғи лозим, - деди дастур директори Ҳамид Аҳмедова. - Дастурнинг мақсади ҳам шунга қаратилган. Тарбиячи доимо изланиши лозим. Тўғри, иқтисодий жиҳатдан қараганда қийинчиликлар мавжуд. Аммо, ишни билган тарбиячи шароит ярата билади. Тарбиячи боланинг қизиқишига қараб, унда ўша истеъдодни шакллантириб боради. Бу усул ўттиздан зиёд мамлакатларда қўлланилиб келмоқда. Лойиҳа уч йилга мўлжалланган бўлиб, унга 3, 5 миллион АҚШ доллари ажартилган.

Тренинг машғулотида қозогистонлик мутахассислар қатнашчиларимизга ўз тажрибаларини ўргатишди. Қозогистонда бу усул 6-7 йилдан бери қўлланиб, яхши натижаларга эришилди. Бу йил республикамизда 54 мингдан зиёд бола илк бор мактабга қадам қўяди. Шулاردан 50 фоизи ноанъанавий мактабларда тайёрғарлик кўришяпти. Таъкидлаш жоизки, бу йил олти ёшдан мактабга чиқувчи болалар сони 5-7 фоизга камайди. Тахлиллар шуни кўрсатдики, олти ёшда борганлар мактаб дастурини тез қамрай олмайдди. Дастур экспериментал тарзда республиканинг олти вилоятида, яъни 18 та боғча, 20 та мактабнинг 1-синфи ўқувчилари орасида ўтказилди. - Мен ушбу дастур бўйича ўтказилган тренингларда қатнашганимдан хурсандман, - деди Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси мактабга тарбиячи малакаси Саноятхон Тожибоева «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Дастурда назарияни амалиётга боғлаб ўтказилиши менга жуда маъқул бўлди. Мутахассис сифатида шуни таъкидлаш жоизки, замон билан бирга қадам ташларкансан, оддийдан мураккаб сари интилиб, унинг ичига қариб кетаётганингни билмай қолсан. Асосийси, дастур фарзандларимизда касб танлашда, унинг мутахассис бўлиб етишишида катта ёрдам беради.

Т.ОДИЛОВ,
Ўрта Чирчик туман товар палатаси раиси

Саҳифа материалларини тайёрловчи: Темура ХАЙДАРОВ, «Ишонч» муҳбири

КЎП БОЛАЛИЛАРГА ТЕКИН ЙЎЛЛАММА

Тошкент вилояти қасаба уюшмалари Кенгаши томонидан болаларнинг ёғи таътилда мароқли дам олишлари учун бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. - Вилоятда бу йил 16 та болалар оромгоҳи ишга туширилди, - деди кенгаш раиси ўринбосари Рустам Турдалиев. - Шулاردан 6 таси санаторий йўналишида ташкил этилган бўлиб, 5 минг 235 нафар болага мўлжалланган. Бу ерда дам олувчиларга овқатланиш, даволаниш ва хордик чиқариш учун барча шароит яратилган. Соғломлаштириш йўналишидаги 10 та масканга жами 8 минг 640 нафар болага йўналиш берилди. Бундан ташқари 5 минг 660 нафар ўқувчи таътилни мазмунли ўтказиши учун мактаблар қошида 29 та оромгоҳ ташкил этилди.

Таъкидлашчи, кенгаш томонидан экологик шароити оғир бўлган ҳазоратлик 1 минг 500 нафар болажоннинг вилоятдаги энг яхши оромгоҳларда дам олишлари таъминланмоқда. Шўнингдек, кам таъминланган ва кўп болали оила-лар фарзандларига ҳамда меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига текин йўналмалар берилмоқда.

У.БОЛИЕВА

Уларга барча ҳавас қилади

ИХЛОС

Инсон борки, нимагадир қизиқади, ихлос қўяди. Хўнармандлар оиласидан бўлганлигим боис хонадонимда ишлаб чиқаришнинг энг зарур турларидан бирини ташкил этишга жазм этдим. Каердадир ташлаб қўйилган дастгоҳни келтириб, бўзани қайта ишлаб, чирга айлантириш технологиясини ўзлаштиришга киришдим. Аста-секин матога гул солишни ҳам ўрганиб олдим. Вақт ўтиши билан тадбиркорлардан Ёқубжон Кенжабоев, Тўлқин Нетьматов ва бошқалар билан масалахатни бир жойга қўйиб, фаолиятни кенгайтира бошладик. Асосий ишимиз Тошкентдаги тўқимачилик корхонасидан шартнома асосида бўз матосини келтириб, ўз технологиямиз асосида ишлов берамиз. Карабизки, ажойиб гулли матога юзага келади. Шу тариха махсулотимизга харидор кўпайди. Иқтисодий жиҳатдан ўзимизни тўтиб олган, керакли усқуна ва жиҳозлар келтирдик. Иш ўринлари кенгайди. Урта ҳисобда бир кунда минг метргача бўзга ишлов бериб, ажойиб матога айлантираёلمиз. Ахиллик ва ҳамжиҳатлик меваси бўлган уюшмамизга «Оддий ўртоқчилик» дея ном бердик. Махсулотимиз бўёқлари узоқ вақт ўз ҳолатини йўқотмаслиги миқозларни қизиқтириб қолди. Яқинда хоридждан бу ерга таширғи буюрган ишбилармонлар гуруҳи фаолиятимиз билан танишиб, унга юқори баҳо берди. Насиб қилса ақин келажакда хориж билан ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилади. Ҳозирги кунда Ўзбеки-

тон мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб ажойиб матолар тайёрляпмиз.
М.РАЗЗОҚОВА,
Тўйтепадаги «Оддий ўртоқчилик» хусусий тадбиркорлар уюшмаси аъзоси

ҲАМ СИФАТЛИ, ҲАМ АРЗОН

Меҳнатда чиниқан инсон бекор юролмайди. Пенсияга чиққанимдан сўнг анчадан буён дилимга тугиб юрган ниятини рўёбга чиқаришга киришдим. Аниқроғи, ташландик бинони ижарага олиб, яхши-лаб жиҳозладик. Керакли усқуналар келтирилди. Ишлар юришди. Ҳозирги кунда «Нок», «Қулпунай», «Галзанган сувларимиз савдо дўконларида пешма-пеш сотилмоқда. Кичик цехимизда асосан аёллар меҳнат қилишади. Ойлик маош ўрта ҳисобда 30 минг сўм атрофида бўляпти. Махсулотларимиз одамлар дастурхонини безаётганини кўриш қанчалар қувончли. Мухими, цехимизда тайёрланаётган ичимликлар сифатли, ҳам арзон. Туман раҳбарлари биз - тадбиркорларни қўллаб-қувватлашлари натижасида бинони сотиб олишга эришдик. Бу янги иш ўринларини яратиш, махсулот турини кўпайтириш имконини берди.

Б.ЧЕРЕПКО,
Олмалиқдаги «Черепко» хусусий корхонаси бошлиғи

Интилганга толе ёр

1017 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ

Туманимизда тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда. Жўмладан, палатамизга шу йилнинг олти ойи ичида 70 та юридик, 164 нафар жисмоний шахс аъзо бўлди. Биздаги ахборот-маслаҳат марказининг ёрдами катта бўляпти. Янгиликка, яратувчиликка ўч кишилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга бу ердан жавоб топадилар. Кичик ва ўрта бизнесни, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантиришда ҳар йили аниқана тарихида ўтказилаётган кўрик-танловларнинг аҳамияти катта бўляпти. Бу йилги конкурс «Сайдовул» фермер ҳўжалиги энг яхши деб топилди. Ким Пен Ха номли ширкат ҳўжалиги худудида фаолият юритаётган мазкур хусусий ҳўжалик 215 гектар майдонга эга. Қисқа вақт ичида техника сақланадиган парк, устaxonа, ёқилғи қўйиш шохобчаси ишга тушди. Эътибордан бўлган майдонлардан унумли фойдаланиш чоравчиликлари асос солди. 150 бош қорамол парваришланаётган ферма тобора ривожланыяпти. Сўт махсулотларини қайта ишлайдиган усқуналарнинг ўрнатилиши барчани қувонтирди. Эндиликда қишлоғимиз аҳолиси сариёғ, пишлоқ, сузма каби неъматлардан баҳраманд бўлмоқда. Эътиборлиси шуки, омилкор фермерлар махсулот сифати бўйича вилоят миқёсида ўтказилган кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллашди. Дастлаб ўз хонадонида зардуғлик билан шуғуллана бошлаган Башўрат Нуриллаева кўп таътиларга нозик касб сирларини кўнгил билан ўргатди. Унинг савий-харакати билан маҳалла қузарари яхши хўнарли, мўжиз ишли бўлдилар. Эн-

диликда чеварлар ажойиб миллий кийимлар ҳам тайёрляшяпти. Бизнинг зардуғлар республика кўрик-танловидида иккинчи ўринни олишга мўшарраф бўлишди. Туманимиз тадбиркорлари пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида бўлиб ўтган турли анжуманларда қатнашиб, Хўндистон, Италия каби мамлакатларнинг вакиллари билан қолдиришди. Таъкидлаш жоиз, туман ҳокимлиги биносидида очилган кўргазмалар залидан кўнчили катта наф қўрляпти. Жорий йилнинг ўтган олти ойи ичида сафимиз кенгайди. Фирмалар сони 52 тага етди. Шўнинг ҳисобидан 1017 та янги иш ўринлари яратилди. Кредит тадбиркорлиқни ривожлантиришнинг яна бир омилларидан бири эканлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Бу ўринда «Пахтабанк»нинг туман бўлими яхши фаолият юриятяпти. Олти ой ичида ушбу банк томонидан 67 миллион сўмлик кредит ажратилди. Албатта, бу яхши ишнинг бошланиши ҳолос. Вақти келиб, хорижга махсулот чиқариш, чет эл инвестицияларини қўллаб жалб этиш имконига эга бўлмайди. Тадбиркорлар халқ ичидан чиққан фидойи кишилардир. Улар савий-харакати билан яратилаётган моддий неъматлар барчага манзур бўлмоқда.

Т.ОДИЛОВ,
Ўрта Чирчик туман товар палатаси раиси


Қуни кеча «Чимён» туристик базасида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё санояти ходимлари қасаба уюшма Марказий қўмитаси ташаббуси билан «Иқтисодий шерикчилик асосида меҳнатқашларнинг иқтисодий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кўчайтириш ҳамда худудий Вакилликлар фаолиятига доир масалалар» бўйича ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда тармоқ қасаба уюшмасининг Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар қўмиталарининг раислари, худудлардаги вакиллари ҳамда бош ҳисобчилар иштирок этидилар.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ва ҳуқуқий давлатнинг ўзаро муносабатлари

Семинар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўзурдаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг доцентини, тарих фанлари номзоди Мухимжон Қирғизбоев-


нинг «Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг ўзаро муносабатлари» мавзусидаги маърузаси билан бошланди. Эркин мулоқот тарзида кечган суҳбатда нотиқ ўзини ўзи бо-

шқариш органлари мустақиллигини тақомиллаштириш, уларни фўқаролик институтини сифатидаги фаолиятини таъминлаш фўқаролик жамияти қурилишининг асосий кафолатларидан бири эканлигини ҳаётий мисоллар асосида лўнда ифода-лаб берди. Шўнингдек, қасаба уюшмалари ишини демократик тамойиллар асоси-



да ислоҳ этиш жараёнига алоҳида тўхталди. Энг нуфузли жамоат ташкилоти хайрли ишларга қўл ураётгани, меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқини қаттиқ туриб ёқлаётгани эътироф этилган ҳолда, фаолиятда баъзида эски услуб панд бераётганини ҳам рўй-рост кўрсатиб ўтилди. - Жамиятимиз кўчли давлатдан кўчли жамият сари интиляётган экан, бу борда давлат ташкилотлари ишини янада жонлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда қасаба уюшмалари тизимини тақомиллаштиришнинг биринчи босқичи ниҳоясига етди. Олдинда янада масъулиятли вазибалар турибди. Семинарнинг ташкил этишдан асосий мақсад давр ўртага қўйётган долзарб масалалар, янгила-нишлар моҳиятини фаолларга атрафлича тушутиришдан иборатдир, - деди биз билан суҳбатда тармоқ Марказий қўмитаси раиси Алишер Фу-

мов. «Жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий асослари» мавзусида чиқиш қилган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш Марказининг бошлиғи, юридик фанлари номзоди Бобоқул Тошев фикрлари, тақлиф-мулоҳазалари анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Савол-жавоблар бўлиб, бу 30 мингдан кам аъзоси бўлган тармоқ уюшмалари Марказий қўмита худудий Вакилликга айлантирилгани бўлди. Семинарда «Иш ҳақидан муздати ўтган қарздорликни тугатиш борисида қасаба уюшмаларининг намунавий ҳаракат тартиби тўғрисида»ги ЎзқўФқ



Тадбир

бўлим мудури Маҳмуджон Исаев маърузаси қўллаб савол-жавобларга туртки бўлди. Долзарб муаммони ҳал этиш юзасидан жойларда амалга оширилаётган ишлар атрофида таҳлил этилди. Иш ҳақидан қарздорликни ундириш борисида янги тартиб ишлаб чиқилган бўлиб, у семинар иштирокчиларига яхши билим сифатида таништирилди. Мазкур тармоқда яна бир янгилик, бу 30 мингдан кам аъзоси бўлган тармоқ уюшмалари Марказий қўмита худудий Вакилликга айлантирилгани бўлди. Семинарда «Иш ҳақидан муздати ўтган қарздорликни тугатиш борисида қасаба уюшмаларининг намунавий ҳаракат тартиби тўғрисида»ги ЎзқўФқ

дамини қўчайтиришдан иборатдир. - Демократик жамият қурилишида жамоат ташкилотларининг роли» мавзусида маъруза қилган Ўзбекистон республикаси Президенти Девонининг масъул ходими, сиёсий фанлар номзоди Лазиз Тангриев асосий эътиборни қасаба уюшмалари етакчилари, фаолларининг билан ҳам таърибасини ошириш, сиёсий саводхонлигини қўчайтириш ҳаётий зарурат эканлигига қаратди. Ислохотларни амалга оширишга тўғнақ бўлаётган камчиликлар, муаммолар ечимни ҳамкорчи ҳамжиҳатликда савий-харакатда, ташаббус кўрсатиб ишлашга кўп жиҳат-

дани ойдинлаштириб берди. **Жўрақул Йўлдошев,** Самарқанд вилояти бўйича Марказий қўмита вакили. - Давр шиддат билан кечмоқда. Бозор шароити қасаба уюшмалари олдига ҳам гоётда долзарб вазибалар қўйди. Бундай шароитда ҳамоҳанг фаолият юритиш учун билимимизни тинмай оширишимиз, одамлар дарди-да маълум бўлишимиз керак. Энди меҳнатқашлар биздан амалий ҳаракатлар, ижобий натижалар кутишмоқда. **А.ЮНУСОВ,** «Ишонч» муҳбири

Маънавият сабоқлари

Кимки бўлса, ҳуш чирою ҳуш қилик, Доймо кўргай жаҳонда яхшилик.

Қадимий битиклардан.

лари эгаллашнинг муҳим шарт ҳисобланган. Алишер Навоий ҳазратлари: «Дунёда сўзинг тури кўп, аммо ёлғондан ёмонроқ тури йўқ» деб ёзган эди. Шунга кўра, улғу мутафаккирлар бола дунёга келган қўндоқ ростилик ила тарбиясига қаттиқ кири-ишлари жуда муҳим ва зарурлигини ўқитиб келганлар. «Кутадгу билиг»да:

Кичик ҳолда билса бола нимани, Қариб улғунча унутмас оини,

деб ёзган бўлса, халқимизда: «Қуш уясида кўрганини қилади», - деган нақл ҳам бор. Бола дунёга шубҳасиз бадалоқ ёки ҳушхалқ одам бўлиб келмайди. Аслида болада гўдакнигидан ҳамма нарсага қизиқиш пайдо бўлади, ахлоқий сифатлар шаклланиб, ривожланиши кузатилади. Замаҳшарий «Асос ал-балога» («Сўзга усталки асослари») асарига бу ҳақда шундай деган: «...Ўз фарзандингизни то имкон қадар яхши ҳулқи-одробли, ақл-фаросатли бўлишига ўргатинг...Магарким, кимарса гўдакнигидан яхши ҳулқ-одроб эгаллабмас эркан, улғайганда ундан билим талаб қилолмайсиз! Ғамай экиб қўйиб, бўғдой ўролмайсиз-ку, ахир. Ҳамон шундай эркан, ота-она заковат ила ўз фарзандларига дунёдаги жамики эзуликлар билан йўғрилган ижобий хислатларни сингдириб бормоқлиги минг қарра шартдир. Бола тарбияси энг оғир ва шарафли вазиятлардан биридир. Шул меҳор болага нисбатан, ўз зиммасига юкланган масъулиятни ҳис этган ҳолда ота-онанинг яхши таълим-тарбия беришига фарзанд ота-онасидан миннатдор бўлмоққа, уларнинг ажирларига муносиб жавоб қайтармоқликка бурчлидир.

ЯХШИЛИКДАН КЕЛАДИ ҚЎЛГА ЯХШИ НОМ

Яхшилик қилиш учун кўринишда намоён бўлади. Биринчиси, биродарлари ва қариндошларига, иккинчиси турмуш ўртоғи ва фарзандларига, учинчиси эса ўз халқига меҳр-муҳаббатдир. Ўз биродарларига яхшлик шунда намоён бўладики, бунда инсон дўстларидан ҳам оқиллардан ҳам олиқинмаст, саховатлироқ бўлишига, ҳар соҳада, ҳар ишда ҳиммат кўрсатишига, садқот ила мадаҳкор бўлишига интилади. Аллома Абулқосим Замаҳшарий бу ҳақда шундай ўғит беради: «То бошинга ўлим келмагунча ҳеч қандам ёрдамингни аяма. Муҳтожлар ҳолдан хабар олиб тур, уларга қўли очиклик билан эҳсон этилким, бундан ғайрат қамарила таҳсинга лойиқ нур сочувчи оғтоб янглиқ яхшилик, эзуликлар то абадга қалбиңдан мустаҳкам жой олсин, бахт ва кут-барока дарвозаси кенг очилса то элади, дарвозаси ёпиқдан қочади. Кут-барока бор ерда меҳр-оқибат, яхшилик ҳукмрондир». Шунингдек, гўзал, олижаноб фазилатларни ўзига қасб этиши, разил одатлардан қочиши ҳам яхшиликка қирадиган амаллардан бири саналади.

Ҳадисларда: «Ризқи кенг ва фаровон бўлиши, ҳаёти иззат-ҳурмат ила ўтишини истаган киши жигаргўшалари - қариндошларидан ўзини узмасин, мол-дунё - мерос дея тажассу (душманлик) қилиб бир-бирининг умрига зомин бўлмасин, ёхуд бир умрга юз кўришмас бўлиб қолишга сабабчи ҳолда пушаймонда қолинмасин», дея марҳамат қилинганлиги ҳам беҳиз эмас. Демак, инсонлар бир иш қилишдан олдин энг аввал унинг орқа-олиди, оқибатини ўйласанлар, ёмонликдан ўзларини тийиб, яхшилик ила ҳаётларини безасанлар, асло кам бўлмайдилар. Турмушлари ҳам гўзал, ибратли кенгусидир. Масалан, ҳар бир кишининг ўз яқинлари - қариндошларига қўрсатган ҳиммати аввало қавмига билдирган ҳимматдир. Донишмандлар: «Ҳиммат қанчалик баланд юрса, яхшилик қалабаси ҳам шунчалик улғурок бўлади», деганларидек, қўйидаги қадимий битикдаги мисраларга эътибор берайлик:

Яхшиликдан келди қўлга яхши ном, Яхшиликдан бўлади ҳосил мурод ҳам. Шундай деб кўрсатмиш бир соҳиб бахт, Яхшиликдан кифтинга келур тоғу тахт.

Ҳа, ҳақиқатан яхши деган номга муносиб бўлиб юришининг сўзасиз масъулиятли юки бор. Ана шу шарафли юк замирида одамийлик, ахлоқ-одобнинг фанат бир қиррасигина намоён ҳол.

Умр йўлдошига қилинадиган яхшилик - уни поклик ва ифтидор сақламоқликка эришишдир. Шундай қилинганда бу иш бародаридан эл ҳам қилиб билан беэнинг, фикр-фукӯр, шубҳа-гумонлардан узоқда бўлади. Ойлада вафо, садқот, ҳукмон бўлиши улғу бир саодатдирки, уни қалғити фақат ҳақуғлик, тотувлик, тинчлик, иннок-иттифоқликка, ифбат-назоқат, шарму ҳаёга асосланган бўлмоқлиги даркордир, дейилади яна бир ҳадисда.

Улғу мутафаккир, файласуф олим Юсуф Хос Ҳожиб «Умр йўлдоши танлаганда унинг хусонига эмас, ахлоқ-одоби, фазилатига қараш керак. Бундай яхши фазилатли аёл шубҳасиз эрни қудратли қилиб, қамол топтиради, юзини ёрғ қилади», - дейди.

Фарзанд тарбияси ҳам шундай яхшиликка қирадиган энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Хусусан, замонасининг илгор фикр эгалари, файласуф мутафаккирлари ўз асарларида ахлоқ-одоб, таълим-тарбия каби яхшиликка элтувчи масалаларга алоҳида аҳамият берадилар. Негаки, бундай ҳол гўзал фазилат-

интилиши - ҳаракат қилиши айни муддаодирки, тоқим фарзанд ўздан фақат ижобий хусусиятларни ўлаштириши ва ярамас хатти-ҳаракатлардан ўзини доимо муҳофаза қила оладиган бўлсин».

Ахлоқ-одроб, қамтарлик фазилати инсон маънавиятидаги қони ҳазина, қуримас булоқдир. Бу ҳазина инсоннинг гўзаллигига яна латофат ҳам қўлади, қадр-қимматини оширади. Шунинг ўзгич инсоннинг яхшиликка эришгани, деб айтиш мумкин.

Воғга етган, қамол топган, таълим-тарбияли, ахлоқ-одроби фарзанд ота-онасидан миннатдор бўлмоққа, уларнинг ажирларига муносиб жавоб қайтармоқликка бурчлидир.

Маълумки, ахлоқ-одроби инсонлар билими, заковати, яхши фазилат эгалари ҳам бўлишади. Ва бундай инсонлар фарзанд тарбиясида ҳам асло адашмайдилар. Луқмони Ҳакимдан: «Фарзанд тарбиясининг тадбири қандай бўлади? — деб сўралганда у: «Барча масалаларда эзу амаллар билан мукамалликка эришилгандагина кишилар оила қуриб, фарзанд тарбиясига киришишлари мумкин», деб жавоб берган экан. Яна нақл қилишларинча, Луқмони Ҳаким ҳам ўз ўғилларига васият қилиб шундай деган экан:

«Эй, менинг фарзанди аржумандларим! Ҳаёт йўли узун, аммо силлик, текис эрмас. У ўнқир-ўнқирлардан иборатдир. Шул боис ҳамиша хушёр, эйрақликни қўлдан бермай, оқилона тадбир ила қандам босиб зиллатга «жорлиққа» элтидиган номақбул амаллардан қочинг. Ҳаётда юз бериши мумкин бўлган турли-туман қийинчиликларга дуч келиб қолиши ҳам асло ёддан чиқармас-ликларингиз керак. Ушундай қунларда сўзасиз дунё, бойлик эмас, балки ўзингиз бунёд этган яхшилик-бахтли меҳнат ҳосилларингиз бўлиши самимий дўстлиққина силзатга астойдил!»

Шунингдек, имон-эътиқодли, ўз масъулиятга садқотли, тевақар-атрофга, турли жониворларга меҳрибон, шафқатли бўлиш ҳам яхшиликка қиради.

Бинобарин, инсон деган улғу номга муносиб эзгу ва хайрли ишлар билан эл-юрт орасида ҳурмат қозонишдан савоблироқ бир нарс а йўқ дунёда.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН

Иброт АҲОЛИ БЎШ ВАҚТЛАРИДА

Ургут туманидаги «Совгон» маҳалласи оқсоқоли Болта Облоқулов ўзининг савобталабиллиги ва ташаббускорлиги билан қаттао кичик ўртасида ҳурмат қозонган. Маҳаллада турли миллат вакилларининг ўзаро аҳил ҳаёт кечиришларида оқсоқолининг хизматлари қатта. Жонқуяр маҳалла сардори ёлғиз қариялар ва оғир касалликка чалинган беморлар ҳолдан тез-тез хабар олиб туради. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам маҳалла қўмитаси бош-қош, Хусусан, икки ёшгача бола тарбияси учун ва кам таъминланган ўлти ёшгача фарзанди бор 189 оилага нафақа пуллари бериб келинапти. Шунингдек, ёрдамга муҳтож 8 та оилага моддий қўмак берилади.

Энг эътиборлиси, маҳалла аҳлининг бошини қовуштириб, бирдмлик ва баҳамжиҳатликка иш қўриш яхши йўлга қўйилган. Чунки ҳудуддаги қурилиши тугалланмаган мактаб спорт зали хашар йўли билан битказилиб, ўқувчи-ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун имконият яратилди. Шунингдек, аҳолининг бўш вақтини маъмулий ўтказиш мақсадида маҳалла ҳудудида спорт майдончалари барпо этилган.

Бундан ташқари, маҳаллада тўй-маъракаларни ихчам, қамқаражат ва чиройли тарзда ўтказилиши назорат остига олинган. Бунда Шоқир Мавлонов, Нусрат Исмоилов, Ҳамза Тўрақулов ва Иззатила Ҳаққулов каби маҳаллақум аъзоларининг яқин кўмаги оқсоқолга қатта кўч бағишламоқда.



Б. УСАРОВА, Т. ШЕРНАЕВ

«Қуш уясида кўрганини қилади», дейдилар. Меҳридар халқимиз боланинг феъл-атвориға воғга етган оиласи, насл-насаби, кишлоғи ва маҳалласи, таълим олган илм даргоҳига қараб баҳо беради.

Якқабғ туманида туғиллиб ўсган Бектемир Эргашев анча вақт Тошкент кўчаларида дайдиб юрди. Номига «Ойдин ота» фирмасида сартарошлик қилди. Аслида у «Ҳизбут-таҳрир» диний экстремистик оқимиға кириб, ғаразли мақсадларни амалга ошириш учун ҳар хил варақалар тайёрлаш ва тарқатиш билан шуғулланди.

Ғаламислар тўдасининг юғурдаги содда, гўш ийгитларни тузоққа турширди. А.Жумаев, У.Мухторов, А.Жабборовлар унинг домига тушиб, ярамас фаолият билан банд бўлишган.

Қилмиш-қидирмиш. Эл тинчлигини бузишға интилиш, бўлгағур уйдирмаларни тарқатиш билан шуғулланган гуруҳ қўлга тушди. Бектемир Эргашев ҳам қилмишлариға яраша жинойи жавобгарликка тортилди. Сўнгги пушаймон, тавба-тазаррулар орасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари учраб турибди. Биргина ўтган йили ўсмирлар томонидан 165 та жиноят содир этилган. Жорий йилда ҳам ўнлаб ёшлар билан-билмай ўта оғир жиноятларға қўл урганликлари кишини ташвишга солади.

Усмир тарбиясига эътиборсиз қаралган жойларда жиноятчилик кўпаймоқда. Масалан, Китоб туманидаги Алишер Навоий номи мактаб ўқувчиси Б.Ғофуров «Ибрагим ота» хусусий фирмасига қарашли автомобильларға ёқилғи қўйиш мошбоқчаси сотувчиси

ОЛИМ ВАСИЯТИ АДО ЭТИЛДИ

Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби, йирик шифокор олим профессор Вали Маҳидов ўзидан бой маънавий мерос қолдирди. Унинг тиббиётга оид китоблари орасида болалар соғлигини мустаҳкамлашга қаратилган наشرлар талайгина.

Ана шу каби олимнинг шахсий буюмлари яқинда пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги биринчи болалар интернатига тортик қилинди. Гап шундаки, профессор вафоти олдиан уларни болалар масканларидан бирига топширишларини илтимос қилганди. Унинг бу васияти Ўзбекистон Меҳнат ва аҳоли ижтимоий таъминоти вазирлиги томонидан адо этилди.

Совға-саломлар орасида тиббиётга доир турли қўрилмалар ҳам бор.

Ақбар АЛИЕВ.

ЎСМИР ЙЎЛДАН АДАШСА...

Ҳамкорликда воғга етмаганларинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилди.

Бирок, амалга оширилган ташкилий-тарбиявий ишларға қарамасдан ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари учраб турибди. Биргина ўтган йили ўсмирлар томонидан 165 та жиноят содир этилган. Жорий йилда ҳам ўнлаб ёшлар билан-билмай ўта оғир жиноятларға қўл урганликлари кишини ташвишга солади.

Усмир тарбиясига эътиборсиз қаралган жойларда жиноятчилик кўпаймоқда. Масалан, Китоб туманидаги Алишер Навоий номи мактаб ўқувчиси Б.Ғофуров «Ибрагим ота» хусусий фирмасига қарашли автомобильларға ёқилғи қўйиш мошбоқчаси сотувчиси

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

Термиз давлат университети қошида «Нодир ёдгорликларни излаб» илмий экспедиция ташкил этилган. Унда академик Бекмурод Қодиров етакчилик қилмоқда. Яқинда экспедиция аъзолари Шеробод тумани Кўхитанг тоғи этағида жойлашган Кампиртепа қишлоғида қўл йўллардан буён сақланаётган улкан маънавий хазинаға дуч келди.



Искандар ХЎЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Аниқланишича, бу маънавий хазина маърифатпарвар Мирза Ғамберди Бекмурод ўғлиға теғишли. 57 ёшли Мирза Ғамберди Бекмурод ўғли 1924 йилда Шеробод ҳарбий гарнизонинида ноҳақ қатағон қурбоний сифатида отиб ташланган. У араб, форс, юнон, рус, тожик, ҳинд ва бошқа тилларда китоб мутоала қила олган. Ундан жуда катта кутубхона мерос қолган. Китоблар унинг ўғли Мамат Исо Маҳсум томонидан

форларда, қабристонларда сақланган.

Эътиборли томони шундаки, ушбу нодир кўлэмалар IX-XII асрларға мансуб бўлиб, фанимиз учун муҳим янгиликдир. Бундан 800-1000 йиллар илгари яратилган бу бебаҳо асарлар астраномия, ҳуқуқшунослик, педагогика, психология, иқтисод, молия ва бошқа фанлар тараққиётида қимматли манба бўлади. Китоблар анчагина. Улардан 30 дан оғиғи ниҳоятда тоза, озода сақланганлиги кишини ҳайратда қолдиради.

Бу топилма ўзбек дийдорининг чиндан-да маънавият-маърифат ўчоғи эканлигини яна бир бор тасдиқлайди ва бундай хайрли ишни бошлаган «Нодир ёдгорликларини излаб» илмий экспедиция жамоасига бўлган ишончини янада орттиради.

ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА СТАДИОН

Нарпай туманида болалар ва ўсмирларнинг умуман аҳолининг бўш вақтини маъмулий ўтказиш, уларни оммавий спортга жалб этиш мақсадиға анчагина эътиборли ишлар қилинди.

Ўтган ярим йил мობайида тумандаги барча спорт иншоотлари қайтадан тўлиқ таъмирланди. Бешта мактабда футбол, саккизта мактабда волейбол майдонлари қурилди. «Туркистон» ва Ойбек номи спорт маркази учун ақратилган бир ернинг маъмурий бинолардан бўш қолган қисмида спорт майдончалари ташкил қилинди. Бундан ташқари, туман маркази Оқтош шаҳрида «Зарафон» фирмаси ҳомилийида замонавий теннис корти қурилмоқда.

Спорт тўғрарлари ишини намунали ташкил этиш чора-тадбирлари қурилмоқда. Хусусан, спортнинг қўл жанги турларига ихтисослашган тўғрак машғулотлариға 2 минг нафардан ортиқ бола қатнашмоқда.

Спортни ривожлантириш учун иншоот ва майдонларни жиҳоз-

лашинг ўзигина етмайди. Ҳомиийлар, фидойий мутахассислар сай-ҳаракати билан барча ҳўжалик ва ташкилотларда, шунингдек, оилалар, маҳаллалар ўртасида турли мусобақалар ўтказилайтир. Мақсад спорт-соғломлаштириш тадбирларидан ҳеч қим четда қолмасин. Айтганча, аҳолиға қўлайлик яратиш учун туман марказида спорт жиҳозлари дўкони фаолияти йўлга қўйилди.

Соҳанинг аҳоли раҳбарининг унга муносабатиға бевосита боғлиқ. Шунинг учун туманимизда барча раҳбарлардан спорт тадбирларининг ташкилотчиси, бевосита иштирокчиси бўлиш талаб этилмоқда. Бунинг самараси яққол сезилмоқда.

П.ЭРҒАШЕВ, Нарпай туман ҳокимлигининг болалар спорти бўйича етакчи мутахассиси

ПАХТАКОРДА болалар спорт мажмуи бунёд этилмоқда

Болалар спортни ривожлантириш тўғрисидаги Президент Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича жойларда махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилмоқда. Жумладан, Пахтакор туманида анча йиллардан буюн қаровисиз ётган туман сув ҳўжалиги идораси биноси ва ховлиси ўрнида болалар спорт мажмуи қурилиш бошлаб юборилди. Қурилишининг лойиҳа қиймати 150 миллион сўми ташкил етди. Айни пайтганча бунёдкорлик ишларининг яримдан қўпи бажарилди.

баскетбол, узуниқка, баландликка сакраш майдонлари, теннис корти, минч футбол, қўл тўпи майдончалари ҳам бунёд этилади.

Шунингдек, Саркос номи Жанубий Мирзачўл канали қирғоғида истироҳат боғи ташкил этиш мўлжалланган. Истироҳат боғини спорт мажмуи билан арқ услубида қуриладиган олма кўприк боғлаб туради. Кўприк остида очик сув ҳавзаси ҳам барпо этиш қўзда тутилган.

Б.НОРКУЛОВ, «Ишонч» муҳбири

Оғриқ нуқталар

Жиноятни содир этганликда айбланиб суд ҳукмиға кўра жазаға тортилди.

Ўсмирлар ўртасида жиноятчилик Қарши шаҳри, Шаҳрисабз, Китоб ва Нишон туманларида ўсган. Айрим жойларда профилакти-

воғбарликка тортилди. Бундай қўнғисизликларнинг рўй бериши ҳудудларда ички ишлар бўливлари воғга етмаганлар ва ёшлар орасида етарли даражада талабчанлик қилмаётганликларини кўрсатиб турибди.

Маҳалла қўмиталари ҳузурда посбонлар, педагог-руҳшунослар, «Қамолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари фаолият кўрсатишаёпти. Улар нима билан машғул? Ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ҳар бир оиланинг ижтимоий аҳолини ўрга-ниш, ёшлар муаммоларини кўриб чиқиб, оқилона ҳал этиш, мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув ортиларига ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб қилиш қўнғисиз ҳолатларнинг олдини олишда муҳим омил эканлигини унутмаслик керак.

И.ИСОМИДДИНОВ

I SHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Муассис: Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси

Таҳрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохот Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

Телефонлар: Котибяти 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маъмулис: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134

Газетаға 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буёқ Тўро» кўчаси, 41-уй.

E-mail: ishonch@dstlink.net; ishonch1@dstlink.net

Босишға топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.40

Тиражи: 9249 Буюртма Ғ - 557. 1 2 3 4 5 6